

**КАДРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА СТАТИСТИК  
ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc.29/30.12.2019.1.92.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**КАДРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА СТАТИСТИК  
ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ**

**ЭРНАЗАРОВ ГУЛАМ БЕКБАЕВИЧ**

**УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ РИВОЖЛАНИШИНИНГ  
ИҚТИСОДИЙ-СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ  
(Тошкент шаҳри мисолида)**

**08.00.06 – Эконометрика ва статистика**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
экономическим наукам**

**Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD) in  
Economic Sciences**

**Эрназаров Гулам Бекбаевич**

Уй-жой коммунал хўжалиги ривожланишининг иқтисодий-статистик таҳлили (Тошкент шаҳри мисолида)..... 3

**Эрназаров Гулам Бекбаевич**

Экономико-статистический анализ развития жилищно-коммунального хозяйства (на примере города Ташкента)..... 28

**Ernazarov Gulam Bekbaevich**

Economic and statistical analysis of the development of Housing and communal services (on the example of the city of Tashkent)..... 53

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 57

**КАДРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА СТАТИСТИК  
ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ**

**DSc.29/30.12.2019.I.92.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**КАДРЛАР МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ВА СТАТИСТИК  
ТАДҚИҚОТЛАР ИНСТИТУТИ**

**ЭРНАЗАРОВ ГУЛАМ БЕКБАЕВИЧ**

**УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ РИВОЖЛАНИШИНING  
ИҚТИСОДИЙ-СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ  
(ТОШКЕНТ ШАҲРИ МИСОЛИДА)**

**08.00.06 – Эконометрика ва статистика**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Iqt 1290 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.instat.uz](http://www.instat.uz)) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) манзилига жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** **Гулямов Саидахор Саидахмедович,**  
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси  
академиги, иқтисодиёт фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:** **Махмудов Носир Махмудович,**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Мирзаев Имомназар Қаландарович,**  
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:** **Самарқанд давлат университети**

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.29/30.12.2019.I.92.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100077, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 42-уй. Тел.: (99871) 202-81-86; факс: (99871) 202-81-86; e-mail: info@instat.uz.

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси ҳузуридаги Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институти Ахборот-ресурс марказида (\_\_\_\_рақами билан рўйхатга олинган) танишиш мумкин. Манзил: 100077, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 42-уй. Тел.: (99871) 202-81-86.

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди (2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Н.Х. Хайдаров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси ўринбосари и.ф.д., профессор

**К.Х. Жумаев**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, и.ф.н., доцент

**Б.К. Ғойибназаров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.д., профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда аҳоли турмуш даражасини яхшилашда уй-жой билан таъминлаш, сифатли коммунал хизматлар кўрсатиш, ижтимоий тараққиётга эришиш, уй-жой коммунал хўжалигини самарали ташкил этиш ва ривожлантиришга жиддий эътибор қаратилмоқда. The Social Progress Imperative халқаро лойиҳа мутахассислари эътироф этишларича, ҳозирда ижтимоий тараққиёт индекси кўрсаткичи бўйича рейтингнинг биринчи учталигини Норвегия, Исландия ва Швейцария мамлакатлари (мос равишда индекслари 90,26; 90,24; 89,97) эгаллаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси 98-ўринни (индекси 59,55) эгаллаган<sup>1</sup>. Халқаро экспертларнинг маълумотларига кўра, жаҳонда кишиларнинг уй-жой билан таъминланганлик даражаси ҳар хил бўлиб, киши бошига Норвегияда – 74,0 м<sup>2</sup> ни, АҚШда – 70,0 м<sup>2</sup> ни, Данияда – 50,6 м<sup>2</sup> ни, баъзи давлатларда эса бу кўрсаткич 5-10 м<sup>2</sup> ни, Ўзбекистонда – 16,0 м<sup>2</sup> ни ташкил этади<sup>2</sup>.

Ўзбекистонда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламдаги ислохотлар доирасида ижтимоий соҳани ривожлантиришга, аҳолини уй-жой билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Аҳолининг уй-жой билан тўлиқ таъминланмаганлиги ҳамда сифатли коммунал хизматлар кўрсатилмаётганлиги истиқболда мазкур соҳани янада ривожлантириш заруратини келтириб чиқармоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «...арзон уй-жойлар барпо этиш, йўл-транспорт, муҳандислик – коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, ...»<sup>3</sup> юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Бу каби устувор вазифалар муваффақиятли ҳал этилиши уй-жой коммунал хўжалиги иқтисодий самарадорлигини ошириш ҳисобига республикамиз аҳолисини уй-жой билан таъминлаш ва уларга сифатли коммунал хизмат кўрсатишнинг аниқ чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, статистик кўрсаткичлар тизимини такомиллаштириш ва истиқболларини статистик прогнозлашни талаб этади. Республикамизда уй-жой коммунал хўжалиги соҳасини иқтисодий-статистик таҳлил қилиш, соҳа фаолиятига таъсир қилувчи омилларни комплекс статистик баҳолаш ҳамда иқтисодий самарадорлигини оширишга қаратилган, илмий асосланган таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар

<sup>1</sup>URL: <https://gtmarket/social-progress-index/info>, 23.04.2019.

<sup>2</sup>[www.iut.nu](http://www.iut.nu) (официальный сайт Международного союза квартиро съёмщиков – International Union of Tenants).

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “2017—2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони. // [www.lex.uz](http://www.lex.uz).

стратегияси тўғрисида”ги ПФ–4947-сонли, 2017 йил 18 апрелдаги “Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизимини бошқаришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5017-сонли фармонлари, 2017 йил 24 апрелдаги 2017-2021 йилларда кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш ва ундан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2922-сонли, 2018 йил 30 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4040-сонли қарорлари, шунингдек, мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Уй-жой коммунал хўжалиги соҳасини тадқиқ этишнинг илмий-услубий асослари ва статистик жиҳатлари хорижий олимлардан Д.Дамжанович, Н.Фуссел, К.Бересфорд, Р.Мелланбий<sup>4</sup> ҳамда МДХ мамлакатлари олимлари Т.К.Руткаускас<sup>5</sup>, В.А.Крылов<sup>6</sup>, Л.Н.Чернышев<sup>7</sup> ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Мамлакатимизда уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантиришнинг назарий ва амалий муаммолари А.Э.Ишмухамедов<sup>8</sup>, Б.З.Каланов, М.З.Каланова, А.Б.Хайитов<sup>9</sup> ва бошқалар томонидан илмий тадқиқ этилган.

Ўзбекистон Республикасида уй-жой коммунал хўжалиги соҳасини статистик тадқиқ этиш ва эконометрик моделларини тузиш масалалари бўйича маҳаллий олимлардан С.С.Фуломов, Ё.А.Абдуллаев, Х.А.Шодиев, Б.А.Бегалов, Т.Ш.Шодиев, Б.К.Ғойибназаров, Н.М.Соатов, Ҳ.Ғ.Набиев, А.А.Набиҳўжаев, Р.Х.Алимов ва бошқалар<sup>10</sup> илмий тадқиқотлар олиб борганлар.

---

<sup>4</sup>Damjanović, D. Public-Private Partnerships: Successes and Failures in Central and South Eastern Europe. – Budapest: Open Society Foundations, 2011. –206 p.; Fussel, N. Public-private partnerships: understanding the challenge / N.Fussel, C.Beresford, R.Mellanby. – Vancouver: Columbia Institute, Centre for Civic Governanse, 2009. –120 p.

<sup>5</sup>Руткаускас Т.К. Жилищно-коммунальное хозяйство муниципального образования // Организационно-экономическое развитие муниципального образования: учебное пособие. – Екатеринбург: УрАГС, 2000.–386 с.; Проблемы жилищно-коммунальной реформы: Методические указания по выполнению курсовой работы. Екатеринбург: РГППУ, 2003. –21 с.; Финансово-экономические и социальные аспекты перехода на новую систему оплаты жилья. – Екатеринбург: Изд-во Рос. гос. проф.–пед. ун-та, 2003. –134 с.

<sup>6</sup>Формирование и развитие рынка жилищно - коммунальных услуг / В.А. Крылов, А.Г. Мокроносов, Т.К. Руткаускас. – Екатеринбург: Изд-во «Екатеринбург», 2000.–291 с.

<sup>7</sup>Чернышев Л.Н. Формирование рыночных отношений в ЖКХ. – М.: МЦФЭР, 2016. –360 с.

<sup>8</sup>Ишмухамедов А.Э., Каланов Б.З., Каланова М.З., Суннатова М.Н. Ижтимоий соҳа иқтисодиёти: дарслик. – Т.: ТДИУ, 2007. –42 б.

<sup>9</sup>Хайитов А.Б., Каланов Б.З., Каланова М.З. Ўзбекистон Республикаси уй-жой-коммунал хўжалиги ривожланишини такомиллаштириш. – Т.: ТДИУ, 2006. –17–4 б.

<sup>10</sup>Абдуллаев Ё. Макроиқтисодий статистика: 100 саволга 100 жавоб.–Т.: Мехнат,1998.–382 б.; Шодиев Х.А., Хабибуллаев И. Статистика. Дарслик – Т.: Иқтисод–Молия, 2018.–253–268 б.; Фуломов С.С., Бегалов Б.А. Иқтисодий информатика. –Т.: ТДИУ, 2010.–587 б.; Шодиев Т.Ш. Эконометрика. Ўқув кўл. – Т.:

Юқорида қайд этилган олимларнинг илмий тадқиқот ишлари уй-жой коммунал хўжалиги соҳасининг назарий ва амалий муаммоларини илмий жиҳатдан ўрганишда муҳим асос сифатида хизмат қилади. Аммо мазкур тадқиқотларда шаҳарлар даражасида соҳа статистик тадқиқотларини ташкил қилиш ва статистик кўрсаткичлар тизимини такомиллаштиришнинг илмий-услубий жиҳатларига етарли эътибор берилмаганлиги илмий тадқиқот мавзуси танланишига асос бўлди.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот иши Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси Кадрлар малакасини ошириш ва статистик тадқиқотлар институтининг “Ялпи ички маҳсулотни харажатлар усулида ҳисоблаш методологиясини такомиллаштириш” мавзусидаги амалий тадқиқот лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** шаҳар жойларида уй-жой коммунал хўжалиги ривожланишини иқтисодий-статистик таҳлил қилишнинг услубий жиҳатлари, ахборотлар базаси ҳамда статистик кўрсаткичлар тизимини такомиллаштириш юзасидан илмий-услубий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

- республикада бозор муносабатлари шароитида хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари шаклланиши ва ривожланишидаги асосий тенденцияларни статистик баҳолаш;

- Тошкент шаҳрида коммунал хизмат кўрсатиш фаолиятини статистик таҳлил қилиш ва иқтисодий самарадорлигини баҳолаш бўйича илмий таклифлар тайёрлаш;

- танланма ва жорий кузатувларни кенг қўллаш асосида уй-жой коммунал хўжалиги корхоналари фаолиятини ифодаловчи статистик кўрсаткичлар тизимининг ахборотлар базасини такомиллаштириш;

- уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида тўловлар тушуми ва фаолиятни тартибга солиш механизмларини статистик баҳолаш бўйича илмий таклифлар ишлаб чиқиш;

- давлат-хусусий шерикчилик корхоналари фаолиятини статистик баҳолаш усулларини такомиллаштириш бўйича илмий таклифлар тайёрлаш;

- Тошкент шаҳрида уй-жой коммунал хўжалиги корхоналарининг статистик прогноз кўрсаткичларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** Тошкент шаҳар ҳокимлиги Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош бошқармаси ва унинг таркибига кирувчи корхоналар фаолияти ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг предмети** худудда уй-жой коммунал хўжалиги соҳасини статистик кузатиш ва кўп омилли таҳлил қилиш услубиётини

---

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси адабиёт жамғармаси, ТДИУ, 2005.–126 б; Ғойибназаров Б.К. Аҳоли турмуш даражасини статистик баҳолаш. – Т.: Фан, 2006.–125 б.; Соатов Н.М. Статистика. Дарслик. – Т.: Абу Али ибн Сино, 2003.–743 б.; Набиев Х., Набиҳўжаев А.А., Миллий ҳисоблар тизими. Ўқув қўлланма. –Т., 1998.–221 б.; Алимов Р.Х. Инвестиция фаолиятини баҳолаш. Монография. – Т.: Иқтисодиёт, 2015. 52-57-б.

такомиллаштиришга қаратилган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар ҳисобланади.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот жараёнида иқтисодий-статистик таҳлил, математик статистика, корреляцион-регрессион таҳлил, статистик гуруҳлаш, танланма кузатиш, эконометрик моделлаштириш, прогнозлаш каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги:**

- уй-жой коммунал хўжалиги корхоналарининг иқтисодий фаолиятини статистик ҳисобга олишнинг ахборотлар базаси «танланма кузатиш» услубини қўллаш асосида такомиллаштирилган;

- «давлат-хусусий шерикчилик» туридаги уй-жой хўжалиги корхоналарининг иқтисодий фаолиятини статистик баҳолашда ҳаққонийликни таъминловчи «дискрет-интервалли вариацион қаторларни тузиш», «кўп омилли аналитик гуруҳлаш» статистик кўрсаткичлари ишлаб чиқилган;

- уй-жой коммунал хўжалиги корхоналарининг иқтисодий ривожланиш самарадорлигини «вақтли қаторлар», «ўзаро боғланган кўрсаткичларни қиёсий таққослаш», «тизимли таҳлил» тамойилларини эътиборга олган ҳолда статистик баҳолашнинг интеграллашган коэффициентидан фойдаланиш зарурлиги асосланган

$$[K_c = \{(C_i - C_{i-1}) / (P_i - P_{i-1})\}; (C_i - P_{i-1});]$$

- кўп вариантли эконометрик моделларни тузиш асосида Тошкент шаҳридаги уй-жой коммунал хўжалиги корхоналарини ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2020-2025 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

- ҳудудий уй-жой коммунал хўжалиги ривожланишининг статистик кўрсаткичлар тизими такомиллаштирилган;

- тизимли таҳлил тамойилларига мувофиқ уй-жой хўжалиги ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштиришнинг истиқболли варианты асосланган;

- Тошкент шаҳар коммунал хизматлар тўловлари бўйича ҳисоб-китоб марказининг такомиллаштирилган ташкилий тузилиши таклиф этилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот жараёнида қўлланилган илмий ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, маълумотларнинг расмий манбалардан, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош бошқармаси статистик маълумотларидан олингани ҳамда тегишли хулоса ва таклифлар масъул ташкилотлар томонидан амалиётга жорий этилгани билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижасидан олинган асосий таклиф ва хулосалар уй-жой коммунал хўжалиги фаолиятини иқтисодий-статистик таҳлил қилиш услубиятини такомиллаштириш ҳамда статистик ахборотларнинг ишончлилиги,



тўлиқлилик даражаси ва фойдаланувчилар талабларига мос келишини таъминлайди ҳамда истиқболларини прогнозлаш имкониятларини кенгайтиради.

Тадқиқот натижалари, шунингдек, олий ўқув юртларида иқтисодий йўналишидаги “Статистика асослари”, “Макро-микроиқтисодий статистика”, “Эконометрика асослари” фанларини ўқитишда илмий-услубий манба сифатида фойдаланиш мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Уй-жой коммунал хўжалиги фаолиятини иқтисодий-статистик таҳлил қилиш услубиятини такомиллаштириш юзасидан олинган илмий натижалар асосида:

- уй-жой коммунал хўжалиги корхоналарининг иқтисодий фаолиятини статистик ҳисобга олишнинг ахборотлар базаси «танланма кузатиш» услубини кўллаш бўйича илмий янгилик Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 августдаги ПҚ-4796-сон “Ўзбекистон Республикасининг миллий статистика тизимини янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг 2020 йил 9 июндаги 01/1–14–18–2–35-сон маълумотномаси ва 2020 йил 9 июндаги 46/1-сонли буйруғи). Натижада уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ахборотларнинг тўлиқлиги, аниқлиги ва шаффофлигини таъминлаш ҳамда юқори сифатли статистик ахборотлар олиш имкониятлари ошган;

- «давлат–хусусий шерикчилик» туридаги уй-жой хўжалиги корхоналарининг иқтисодий фаолиятини статистик баҳолашда ҳаққонийликни таъминловчи «дискрет-интервалли вариацион қаторларни тузиш», «кўп омилли аналитик гуруҳлаш» статистик кўрсаткичлари тўғрисидаги илмий янгилик Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 24 апрелдаги ПҚ-2922-сон «2017-2021 йилларда кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш ва ундан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг 2020 йил 28 майдаги 04/01–2028-сонли маълумотномаси ва 2021 йил 14 апрелдаги 109-сонли буйруғи). Мазкур янгиликнинг амалиётга жорий этилиши «давлат-хусусий шерикчилик» корхоналари фаолиятини статистик усулларда таҳлил қилиш имкониятларини оширган;

- уй-жой коммунал хўжалиги корхоналарининг иқтисодий ривожланиш самарадорлигини «вақтли қаторлар», «ўзаро боғланган кўрсаткичларни қиёсий таққослаш», «тизимли таҳлил» тамойилларини эътиборга олган ҳолда статистик баҳолашнинг интеграллашган коэффициентлари Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси тизимида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг 2020 йил 9 июндаги 01/1–14–18–2–35-сонли маълумотномаси 2020 йил 9 июндаги 46/1-сонли буйруғи). Натижада уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида

аналитик таҳлилни кенгайтириш, юқори сифатли статистик ахборотлар олиш имкониятлари кенгайган;

- кўп вариантли эконометрик моделларни тузиш асосида Тошкент шаҳридаги уй-жой коммунал хўжалиги корхоналарининг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2021-2025 йилларга мўлжалланган прогноз кўрсаткичлари Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг амалий фаолиятига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг 2020 йил 9 июндаги 01/1–14–18–2–35-сонли маълумотномаси ва 2020 йил 9 июндаги 46/1-сонли буйруғи). Бу йирик шаҳарлар даражасида уй-жой коммунал хизматлари кўрсатишнинг истиқболли йўналишлари ҳамда стратегияларини белгилаш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 27 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация иши бўйича жами 51 та илмий иш, жумладан, 1 та монография, 1 та илмий-оммабоп рисола, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган журналларда 18 та илмий мақола, шундан, 4 та мақола хориж журналларида, халқаро ва республика илмий-амалий анжуманларида 31 та маъруза ва тезис нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат, умумий ҳажми 154 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурати, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ҳамда тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги ва амалий натижалари, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Уй-жой коммунал хўжалиги фаолиятини статистик тадқиқ этишнинг назарий-услубий асослари”** деб номланган биринчи бобида уй-жой коммунал хўжалигини ташкил этиш ва бу хўжалик фаолиятининг ўзига хос хусусиятлари, назарий-услубий асослари, уй-жой коммунал хўжалиги хизматлари бозорини статистик таснифлаш, уй-жой тизими ривожланишини ифодаловчи статистик кўрсаткичлар тизими ва уларнинг ахборотлар базасини шакллантириш ҳамда хорижий тажрибалар ёритилган.

Уй-жой коммунал хўжалиги статистикаси ижтимоий-иқтисодий статистиканинг таркибий соҳаларидан бири бўлиб, уй-жой фонди мавжудлиги, таркиби ва ҳолати, яхшиланиши, аҳолининг уй-жой шароити ва

сув, иссиқлик, газ таъминоти, меҳмонхоналар ва аҳоли пунктларини ободонлаштиришга дахлдор бошқа йўналишларни ўрганувчи статистика соҳаси ҳисобланади. У шунингдек, уй-жой хўжалиги ва яшаш шарт-шароитлари, яъни, уй-жой фонди соҳаси ва ишловчилар сони статистикаси; уй-жойлардан фойдаланиш статистикаси; уй-жой шарт-шароитлари статистикасини ўрганеди.

Диссертацияда уй-жой коммунал хўжалигига дахлдор, юқорида кўрсатилган жараёнларни ҳисобларда акс эттирувчи статистик кўрсаткичлар тизими: уй-жой фонди мавжудлиги, ҳолати ва ҳаракати; уй-жой коммунал хўжалиги соҳасидаги бозор жараёнлари; уй-жой коммунал хўжалиги соҳасидаги ислохотларнинг йўналишлари; уй-жой фондининг институционал тавсифи; уй-жой коммунал хўжалиги хизматларига тарифлар; уй-жой фондини ободонлаштириш даражаси; уй-жой фондини такрор ишлаб чиқариш; жамоавий турар жой биноларининг жойлашуви сингари статистик гуруҳларга таснифланган.

Уй-жой коммунал хўжалиги корхоналари томонидан тузилувчи ва улар жойлашган ҳудуд статистика бўлимларига топширилувчи статистик ҳисобот шакллари (2-уй-жой, 1-ком, 2-ком, 3-ком) барча учун амалдаги тартиблар бўйича мажбурий ҳисобланади. Уларни тузиш ва топшириш тартибларини бузганлик учун ҳам жавобгарлик белгиланган. Уй-жой коммунал хўжалиги корхоналарида бу статистик ҳисоботлар қанчалик муҳимлигини англаш зарур.

Уй-жой коммунал хўжалигини ободонлаштириш тўғрисидаги статистик ахборотлар совуқ сув қузури мавжудлиги, марказлашган иситиш, яъни канализация, ҳаммом (душ), газ, иссиқ сув таъминоти, электр плита ва шунингдек, имтиёзли маиший хизматлардан фойдаланувчи кишиларни ўз ичига олади. Шу билан бирга статистик ҳисоботда уй-жой хўжалиги корхоналари даромадларининг умумий суммаси ҳам акс эттирилади.

Уй-жой коммунал хўжалиги фаолияти бўйича давлат статистик ҳисоботи шакллари 1-жадвалда келтирилган.

### 1-жадвал

#### Уй-жой коммунал хўжалиги бўйича давлат статистика ҳисоботи шакллари<sup>11</sup>

Шакллар	Номланиши	Даврийлиги
<b>Уй-жой фонди бўйича:</b>		
2 уй-жой	Уй-жой олиш учун ҳисобда турган ва уй-жой олган оилалар сони тўғрисида	Йиллик
<b>Коммунал хўжалиги фаолияти бўйича:</b>		
1-ком(шакл)	Шаҳар аҳоли пунктларини ободонлаштириш тўғрисида	Йиллик
2-ком(шакл)	Ичимлик суви билан таъминлаш тўғрисида	Йиллик
3-ком(шакл)	Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолияти тўғрисида	Йиллик

Уй-жой фонди ва бошқалар мавжудлиги, фонд фаолияти, ҳолати ва

<sup>11</sup>Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти (www.stat.uz).

харакати бўйича статистик кузатиш 2-уй-жой фонди шакли орқали амалга оширилади. Мазкур статистик шаклда уй-жой фондининг умумий ва яшаш майдони кўрсаткичлари, шакллари бўйича фонд таркиби ва ҳаракати кўрсаткичлари ҳамда ободонлаштириш кўрсаткичлари мужассамланган бўлади.

Статистика ҳисоботларини тузиш ва топшириш тартиблари бўйича муҳим ўзгаришларни белгилаш уй-жой коммунал хўжалигини юритишда қулайликлар яратишда ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли тадқиқот ишида бу борада қилинадиган муҳим ўзгаришлар қаторига қуйидагиларни киритиш лозим деб топилди:

1. Уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида статистика ҳисоботларини тузиш ва топшириш тартибларининг соддалаштирилган шакллари, бу шакллар дастурий таъминотларининг меъёрларга мос келувчи тизимини шакллантириш.

2. Маъмурчилик харажатлари ошишига йўл қўймаслик мақсадида статистик маълумотларни йиғиш ва жамлашнинг ягона меъёрларини шакллантириш.

3. Уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида статистика ҳисоботларни тузиш ва тақдим этишнинг хўжалик субъектлари бошқарув йўналишига мос келувчи тартибларини белгилаш.

4. Уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида статистика ҳисоботларнинг қиёсий таҳлилийлигини таъминлаш мақсадида корхоналар фақат ахборот берувчилар эмас, балки ахборот олувчилар бўғинига ҳам айланиши лозим.

Муаллифнинг фикрича, уй-жой хўжалиги статистикасида статистик ҳисобга олишнинг бошқа турлари (асосий массивни кузатиш, фурсатли кузатиш, анкета орқали кузатиш, монографик кузатиш, эксперт баҳолаш, танланма кузатиш ва бошқалар)дан самарали фойдаланиш лозим.

Шу боис тадқиқот ишида қисман кузатишнинг асосий турларидан бири ҳисобланган танланма кузатув усулидан уй-жой фондини статистик таҳлил қилишда кенг фойдаланиш тавсия этилди. Бу уй-жой статистикасини ҳисобга олиш тизимини услубий жиҳатдан такомиллаштириш имконини яратади.

Ёппасига статистик кузатув (ҳисобот тизими)дан фарқли равишда уй-жой хўжалиги статистикасида танланма кузатув усулида ҳисобга олишнинг бир қатор афзалликлари мавжуд. Бунда хусусан: маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва уларни бош тўпламга тарқатиш кўп вақтни талаб этмайди, бошқача айтганда, ишчи кучи тежалади; молиявий маблағлар ва қоғоз сарфи тежалади; тезкор ва сифатли статистик ахборотларни олиш имкониятлари кенгайди; кузатиш маълумотлари асосида ёппасига кузатув жараёнларини текшириш ҳамда баҳолаш имкониятлари туғилади.

Аслида ҳам уй-жой хўжалиги фаолиятини танланма кузатувнинг асосий мақсади кам куч ва молиявий маблағлар ҳамда иш вақтини иқтисод қилиш орқали бош тўплам (уй-жой фонди) ҳақида кўпроқ ва сифатлироқ ахборот тўплашдир. Шу муносабат билан уй-жой хўжалиги статистикасида танланма текшириш назариясининг катта бўлими танланма асосида бош тўплам (уй-

жой фонди)ни таърифловчи кўрсаткичларни статистик баҳолашга бағишланади. Бошқа соҳалар каби уй -жой хўжалиги статистикасида ҳам танланма бўйича бош тўплам (уй-жой фонди) кўрсаткичларини статистик баҳолаш усуллари кўп, улар жуда яхши жиҳатларга эга. Бундай масалаларни тадқиқ қилиш билан баҳолаш идоралари шуғулланади.

Уй-жой хўжалиги статистикасида танланма текшириш назариясининг яна бир вазифаси бош тўплам (уй-жой фонди) кўрсаткичларини статистик баҳолаш натижаларининг ишончлилиқ даражасини ҳаққоний аниқлашдан иборат.

Уй-жой хўжалиги статистикасида танланма кузатув маълумотлари билан бош тўплам (уй-жой фонди)ни характерлаш уларнинг умумийлаштирувчи кўрсаткичлари орқали амалга оширилади. Бунинг учун танланма бош тўпламнинг барча муҳим хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган бўлиши керак. Агар танланмада бош тўплам(уй-жой фонди)нинг муҳим хусусиятлари намоён бўлса, у репрезентатив дейилади.

Уй-жой хўжалиги статистикасида танланма қанчалиқ репрезентатив бўлишидан қатъий назар бош(уй-жой фонди) ва танланма кўрсаткичлар ўртасида доимо тафовутлар бўлади. Чунки бош тўплам (уй-жой фонди)да танланмага киритилмаган бошқа бирликлар ҳам мавжуд.

Статистикада кўпроқ катта сонлар қонуни тамойиллари асосида иш олиб борилади. Шу жиҳатдан ҳам ушбу қонун статистика тизимида методологик асос сифатида хизмат қилади. Катта сонлар қонунига биноан уй-жой хўжалиги фаолиятида ҳам танланманинг миқдори ошган сари тасодифий хатолар камайиб боради.

Уй-жой фондини статистик кузатишнинг услубий жиҳатлари қуйидагиларда намоён бўлади:

- уй-жой фонди ва коммунал хўжалиги фаолияти статистик кўрсаткичлари ҳудудлар бўйича динамика қаторларида мутлақ ва нисбий кўрсаткичларда статистик баҳоланади;

- уй-жой фондини статистик кузатиш асоси унинг ҳажми, ҳудудий жойлашуви, таркиби, тузилмаси, техник ҳолати, ободонлаштирилиш даражаси ҳисобланади;

- бирламчи ҳужжатлар уй-жой фонди бўйича статистик ҳисоботларни тузиш учун база сифатида хизмат қилади;

- коммунал хўжалигини статистик кузатиш асоси унинг фаолиятини ифодаловчи статистик кўрсаткичларни ўрганиш ҳисобланади.

Совуқ сув қувурлари ва уларнинг тармоқларидаги фаолиятни статистик таҳлил қилишда: амалда сув қувурлари мавжудлиги; умумий совуқ сув қувурлари сонидан амалда ишлаб турганларининг улуши; шаҳар ҳудудида совуқ сув қувури тармоқлари қамрови; хизмат кўрсатиш даражаси; бир кишига тўғри келувчи сувнинг ўртача харажати кўрсаткичлардан фойдаланиш тавсия этилади.

Канализация фаолиятини ўрганиш ва статистик таҳлил қилишда қуйидаги статистик кўрсаткичлардан фойдаланилади: мавжуд канализация

миқдори; амалда канализациянинг умумий канализация сонидаги улуши, % ; алоҳида канализация тармоқлари сони, уларнинг узунлиги ва бошқалар.

Коммунал корхоналар фаолиятини ўрганиш ва статистик таҳлил қилишда қуйидаги кўрсаткичларга асосланилади: барча кўчалар, поезд ва кўчаларнинг умумий узунлиги; умумий кўчалар ҳажмида асфальт қилинган кўчалар улуши, %; мавжуд чироқлар сони; шаҳарларнинг ёритиш тизими билан таъминланганлик даражаси,%; кўчанинг–1 км қисмини ёритиш учун ўртача чироқлар сони; совуқ сув қувурлар сони; шаҳар ҳудудидаги ерларнинг республика умумий ер майдонидаги ҳажми; маиший чиқиндиларни ташиш, ҳудудларни тозалашда фойдаланилувчи автомобиллар сони; ташилган маиший чиқиндилар ҳажми ва ҳоказо.

Диссертация ишида иқтисодий барқарорликнинг интеграл кўрсаткичларидан фойдаланиб, уй-жой коммунал хўжалиги иқтисодий ҳолатини ҳисоблаш ва рейтингини аниқлаш услуби таклиф этилган. Ушбу услуб нафақат уй-жой коммунал хўжалиги иқтисодий ҳолатини интеграл кўрсаткичлар орқали статистик баҳолашга, балки вариацион тебранишлар учун ҳам хизмат қилади.

Уй-жой коммунал хўжаликлари иқтисодий ҳолатини ҳисоблаш ва уларнинг барқарорлик рейтингини аниқлаш бир неча босқичда амалга оширилади:

1-босқич: иқтисодий барқарорликни ифодаловчи 4 та гуруҳ (ишлаб чиқариш, инвестиция, молия ва ташқи) бўйича кўрсаткичлардан ҳар бирининг салмоғи аниқланади. Уларнинг миқдорий қиймати қуйидаги формула билан топилади:

$$Z_1 = \left( \frac{f_1 - f_2}{f_1} \right), \text{ агар } f_1 > f_2 \text{ бўлса;} \quad (1)$$

$$Z_1 = \left( \frac{f_2 - f_1}{f_2} \right), \text{ агар } f_2 > f_1 \text{ бўлса.} \quad (2)$$

бу ерда:  $Z_1$  – умумий вазнга нисбатан кўрсаткичлар фарқланишининг миқдорий қиймати;  $f_1, f_2$  – таққосланаётган кўрсаткичларнинг миқдорий қиймати.

2-босқич: бу босқичда уй-жой коммунал хўжалиги корхоналари иқтисодий барқарорлигини тавсифловчи тўртта гуруҳнинг ҳар биридан алоҳида танланган омилларни рейтинг баҳолаш амалга оширилади. Бунда қуйидаги формулага таянилади:

$$R = Z_i \times W_i \quad (3)$$

бу ерда:  $Z_i$  – омилнинг ўртача тортилган фарқланиши;  $W_i$  – иқтисодий барқарорликнинг таркибини мувофиқлаштирувчи омил қиймати;  $i = 1, \dots, c$  – омиллар миқдори.

3-босқич: уй-жой коммунал хўжалиги иқтисодий барқарорлиги таркибидаги 4 гуруҳдан ҳар бирининг рейтинг баҳолаш қийматлари ҳисобланади ва уларнинг умумий миқдори аниқланади.

Уй-жой коммунал хўжалиги корхоналари барқарорлигининг ретроспектив динамика усуллари жуда мураккаб ҳисобланади. Улар асосида нафақат уй-жой коммунал хўжалиги корхоналари жорий ҳолатини таққослаш

қоидалари, балки бир неча йиллар давомида унинг вақтли параметрлари ўзгариши ҳам эътиборга олинади.

Уй-жой коммунал хўжаликлари корхоналарида алоҳида олинган вақтли параметрларни аниқлаш қуйидаги формулада ҳисобланади:

$$Y_i = Y_i^{н/ч} + Y_i^{инв} + Y_i^{молия} + Y_i^{ташқи} \quad (4)$$

$$Y_i = \sum_{j=1}^c K_i \sum_{Z_j=1}^i \left[ \frac{P_{баз}^{Z_i} - P_i^{Z_i}}{P_{баз}^{Z_i}} \right] f_j^2 \quad (5)$$

бу ерда:  $Y_i^{н/ч}$ ,  $Y_i^{инв}$ ,  $Y_i^{молия}$ ,  $Y_i^{ташқи}$  – иқтисодий барқарорликни тавсифловчи ва унинг таркибидаги 4 та таркибий компоненти;

$j = 1, \dots, c$  – иқтисодий барқарорликни ташкил этувчилар;  $c$  – иқтисодий барқарорликни ташкил этувчилар миқдори;

$K_i$  – корхона иқтисодий барқарорлигининг 4 та таркибий тузилмаси бўйича вазн коэффициентлари;

$Z_j = 1, \dots, i$  – иқтисодий барқарорлик таркибидаги омиллар;

$i$  – иқтисодий барқарорлик таркибидаги омиллар сони;

$P_{баз}^{Z_i}$ ,  $P_i^{Z_i}$  – базис ва кейинги даврларда корхона иқтисодий барқарорлиги таркибидаги омиллар миқдори;

$f_j^2$  – иқтисодий барқарорлик таркибидаги  $Z$  – омилнинг қиймати.

Юқоридаги тақдим этилган формулалар уй-жой коммунал хўжалиги иқтисодий барқарорлигини статистик баҳолаш ва алоҳида олинган вақтли каторларни таққослаш, шунингдек, бу кўрсаткичларнинг бошқа корхоналар турдош кўрсаткичлари билан динамикаси ўзгаришини қиёсий таҳлил қилишга хизмат қилади. Бу эса уй-жой коммунал хўжалиги корхоналарининг тенденциялари, ҳолати ва умумий жиҳатларини ёритиб беради.

Тадқиқотда уй-жой коммунал хизматлари соҳасининг иқтисодий барқарорлигини ифодаловчи энг муҳим омиллар қуйидагича ифодаланади (3-жадвал). Диссертация ишида уй-жой коммунал хўжалиги соҳасидаги илғор хорижий тажрибалар ҳам ўрганилиб, улардан маҳаллий даражаларда фойдаланиш йўналишлари илмий тадқиқ этилган. Бунда кўплаб хорижий тажрибалардан кенг фойдаланиш, айрим давлатлар, жумладан, Швейцария, Финляндия, Германия, Янги Зеландия, Венгрия, Словакия, Сингапур ва Россия Федерация илғор тажрибаларидан фойдаланиш бўйича илмий тавсиялар берилган.

Бу тавсиялар бўйича янгиликлар уй-жой қурилишида стратегик режаларга асосланиш, назоратнинг кучлилиги, сифатнинг юқори даражада таъминланиши ва ўз-ўзини молиялаштириш тизимининг қатъийлиги, хусусий секторнинг юқори ўрин эгаллаши ва бошқалар билан изоҳланади.

**«Давлат-хусусий» шерикчилик туридаги уй-жой коммунал хўжалиги соҳаси иқтисодий фаолиятини ифодаловчи энг муҳим омил ва кўрсаткичлар<sup>12</sup>**

№	Омиллар	Ҳисоблаш формулалари, кўрсаткичлари	Белгиланиши
1.	Фаолиятни ташкил этиш ва бошқариш самарадорлиги	$\Phi_{\text{сам}} = \frac{B(1 - K_{\text{мат}}) + \Phi_a}{H_x}$	В – ўрганилаётган даврда корхона тушуми, сўм; K <sub>мат</sub> – ишлаб чиқариш ҳажмига нисбатан ҳисобланувчи моддий харажатлар коэффиценти; Φ <sub>а</sub> – асосий фаолиятдан олинган фойда, сўм; H <sub>х</sub> – юк харажатларининг ҳақиқий миқдори, сўм
2.	Фонд самарадорлиги	$\Phi_{\text{сам}} = \frac{Q}{A\Phi}$	Φ <sub>сам</sub> – фонд самараси кўрсаткичи, сўм; Q – бажарилган ишлар ҳажми, сўм; AΦ – асосий фондларнинг ўртача йилик қиймати, сўм;
3.	Салоҳиятдан фойдаланиш даражаси	$C_{\Phi} = \frac{ПМ_{\text{ҳак}}}{ПМ_{\text{мак}}}$	ПМ <sub>ҳак</sub> – корxonанинг ҳақиқий ишлаб чиқариш қуввати, сўм; ПМ <sub>мак</sub> – корxonанинг максимал ишлаб чиқариш қуввати, сўм
4.	Доимий ишловчи кадрлар таркиби даражаси	$K_d = \frac{K_{\text{иш}}}{\bar{T}_y}$	K <sub>д</sub> – доимий ишловчи кадрлар коэффиценти; K <sub>иш</sub> – бутун йил давомида ишлаган ишловчилар сони, киши; $\bar{T}_y$ – ўртача рўйхатдаги ходимлар сони, киши
5.	Соф фойда	$C_{\Phi} = CT_{\Phi} - C$	СФ – соф фойда, сўм; СТФ – солиқ тўлангунга қадар фойда, сўм; С – солиқлар, сўм
6.	Молиявий воситалар билан таъминланиши	$M_z = \frac{ЗК}{ХК}$	K <sub>м</sub> – молиявий активлик коэффиценти; ЗК – қисқа ва узок муддатли кредит ва заёмлар миқдори, сўм; ХК – хусусий капитал, сўм
7.	Тўловга қобилиятлилиги	$K_{\text{пр}} = \frac{ҚДҚ + ҚМК + ПМ}{ҚМ}$	K <sub>пр</sub> – ликвидлилик коэффиценти; ҚДҚ – қисқа муддатли дебитор қарзлари, сўм; ҚМК – қисқа муддатли молиявий қийматлар, сўм; ПМ – пул маблағлари, сўм; ҚМ – қисқа муддатли мажбуриятлар, сўм
8.	Рақобат даражаси	$P_{\text{дар}} = \frac{n_1 X_1 + \dots + n_n X_n}{\sum (X_1 + \dots + X_n)}$	1...n – бажариладиган ишларнинг шартнома (норматив) қиймати, сўм; X <sub>1</sub> ...X <sub>n</sub> – i объектга хизмат кўрсатишнинг смета таннари, сўм;
9.	Худуднинг инвестицион жозибadorлиги	$K_k = \sum_{i=1}^n K_i \times P_i$	K <sub>к</sub> – худуд инвестицион жозибadorлигининг комплекс кўрсаткичи; K <sub>i</sub> – худуднинг инвестицион жозибadorлигини бир томондан характерловчи i – мезон қиймати; P <sub>i</sub> – мезонни рейтинг баҳолаш

<sup>12</sup>Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.



Диссертациянинг “Уй-жой коммунал хўжалигининг ривожланиш ҳолати ва унинг иқтисодий-статистик таҳлили” деб номланган иккинчи бобида Тошкент шаҳридаги хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларининг шаклланиши ва ривожланиши статистик тадқиқ этилган, уй-жой коммунал хўжалигини ислоҳ қилиш босқичлари ва коммунал хизмат кўрсатиш муассасаларининг ривожланиш жараёнлари иқтисодий-статистик таҳлил қилинган.

Тадқиқотда республикаимиз ҳудудларида уй-жой фондининг тақсимланиши бўйича маълумотлар ва уларнинг динамикаси таҳлил қилинган. Таҳлиллар натижаларига кўра, республикаимизда 2020 йилда 2010 йилдагига нисбатан уй-жой фондининг ўсиши 128,3 %ни ташкил этган. Тошкент шаҳри бўйича эса бу кўрсаткич 138,0 %ни ташкил этган. Охириги йилларда барча ҳудудлар бўйича уй-жой фондининг ўсиши кузатилмоқда (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### Ўзбекистон Республикасида уй-жой фондининг тақсимланиши (йил охирига, млн.м<sup>2</sup>)<sup>13</sup>

Ҳудудлар	Йиллар											2020 й. 2010 й.га нисбатан ўзгариши, %да
	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	427,7	439,5	446,4	457,9	466,2	477,1	490,8	507,5	521,2	536,8	549,0	128,3
Қорақалпоғистон Республикаси	25,1	25,8	25,9	27,9	28,9	29,2	30,0	35,1	35,1	31,4	31,5	125,4
Андижон	25,8	26,3	27,0	27,6	28,6	29,3	30,2	31,1	31,6	32,0	32,6	126,3
Бухоро	24,7	25,0	25,0	25,0	25,9	26,2	26,5	27,4	30,0	32,2	33,6	136,0
Жиззах	15,5	15,9	16,3	16,8	17,3	17,6	18,0	18,3	18,6	19,2	19,9	128,3
Қашқадарё	38,2	29,8	40,3	41,2	41,5	44,4	46,8	50,4	53,1	55,0	55,2	144,5
Навоий	17,4	17,6	17,7	17,9	18,0	18,3	18,9	20,7	21,3	22,1	22,5	129,3
Наманган	33,0	37,0	37,8	39,9	41,0	41,6	42,9	40,5	41,3	44,4	46,9	142,1
Самарқанд	45,0	46,0	47,0	48,3	49,6	50,9	53,1	55,6	56,8	58,0	59,3	131,7
Сурхондарё	28,6	29,9	30,2	30,5	30,7	31,0	31,3	31,7	32,2	33,1	33,9	118,5
Сирдарё	11,4	11,3	11,7	11,9	12,2	12,3	11,6	11,5	12,1	15,4	13,2	115,7
Тошкент	38,8	38,7	39,1	41,1	41,5	41,8	42,5	42,8	43,7	43,2	47,0	121,1
Фарғона	43,6	43,8	44,0	44,1	44,5	46,3	47,3	48,0	48,7	45,1	49,6	113,7
Хоразм	38,5	39,0	39,4	40,0	40,0	40,2	42,5	43,0	43,5	49,0	45,7	118,7
<b>Тошкент шаҳри</b>	<b>42,1</b>	<b>43,4</b>	<b>45,0</b>	<b>45,7</b>	<b>46,5</b>	<b>48,0</b>	<b>49,2</b>	<b>51,4</b>	<b>53,2</b>	<b>56,7</b>	<b>58,1</b>	<b>138,0</b>

Ўрганилган йилларда уй-жой фонди ривожланиши Қашқадарё (144,5 %), Наманган (142,1 %) ва Самарқанд вилоятларида (131,7 %) ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида (125,4 %) кузатилди. Аммо Сирдарё ва Фарғона вилоятларида уй-жой фонди бўйича сезиларли ўзгаришлар кузатилмади. Шунингдек, республикаимиз ҳудудларида 2010–2020 йилларда аҳоли жон бошига уй-жой фонди тақсимланиши бўйича маълумотлар ва уларнинг динамикаси таҳлил қилинган.

Республикаимизда 2010 йилда аҳоли жон бошига тўғри келувчи умумий

<sup>13</sup>Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари. //stat/uz.

турар жой ҳажми 15,0 м<sup>2</sup> га тенг бўлган бўлса, 2020 йилда 16,0 м<sup>2</sup> ни ташкил этди. Таҳлиллардан маълум бўлдики, аҳолининг уй-жой билан таъминланиши бўйича кўрсаткич республика даражасидан юқори бўлган ҳудудларга Сирдарё (24,3 м<sup>2</sup>), Навоий (22,4 м<sup>2</sup>) вилоятлари, Тошкент шаҳри (22,3 м<sup>2</sup>), Бухоро (17,4 м<sup>2</sup>), Қашқадарё (16,7 м<sup>2</sup>) вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси (16,5 м<sup>2</sup>), аҳоли жон бошига уй-жой билан таъминланиш даражаси паст бўлган ҳудудларга эса Андижон (10,3 м<sup>2</sup>), Сурхондарё (12,8 м<sup>2</sup>), Фарғона (13,1 м<sup>2</sup>) вилоятлари киради.

2010 йилда шаҳар туридаги посёлкаларда 1015 та сув қувири мавжуд бўлган бўлса, 2020 йил 1 январь ҳолатига 1042 тани ташкил этган. Ободонлаштириш ишларида республика бўйича сув қувурлари эса 2010 йилдагига нисбатан 102,1 %ни ташкил этган. Канализация бўйича сезиларли ўзгаришлар кузатилмаган (яъни, 2010 йилдагига нисбатан 107,1 %ни ташкил этган).

Таҳлил қилинаётган йилларда иситиш воситалари ва иссиқ сув таъминоти бўйича ҳам мос равишда (яъни, 2010 йилдагига нисбатан) 108,1 % ва 129,5 %га кўпайиш, табиий газ бўйича эса 84 %га камайиш кузатилган.

#### 4-жадвал

#### Уй-жой фондини ободонлаштириш динамикаси (йил охирига, %да)<sup>14</sup>

Кўрсаткичлар	Йиллар										
	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020
<b>Жами уй-жой фонди</b>											
Сув қувурлари	65,5	66,2	66,5	67,1	67,0	66,7	67,5	66,2	65,7	66,9	67,9
Канализация	31,0	31,8	31,7	32,2	32,4	32,5	32,3	32,0	32,1	33,2	35,0
Иситиш воситалари	43,0	42,8	43,0	43,0	43,2	43,2	43,6	43,1	41,9	46,5	47,1
Табиий газ	79,8	79,5	79,8	80,1	79,8	79,0	74,2	67,9	67,2	67,3	68,2
Иссиқ сув таъминоти	23,7	24,5	24,3	26,2	26,7	27,0	28,5	28,7	28,8	30,7	32,2
<b>Шаҳар уй-жой фонди</b>											
Сув қувурлари	81,2	81,7	81,8	82,8	82,9	82,9	84,1	82,9	82,3	84,6	84,8
Канализация	50,1	52,7	52,7	53,9	54,1	54,5	54,7	53,8	53,7	55,4	57,7
Иситиш воситалари	58,6	59,0	59,2	59,0	59,3	59,6	60,2	59,4	59,2	63,0	63,9
Табиий газ	87,0	86,7	86,9	87,5	87,4	87,1	85,6	82,7	82,2	82,8	83,6
Иссиқ сув таъминоти	42,3	43,4	43,2	45,4	46,2	46,6	47,7	47,7	47,6	50,5	51,6
<b>Қишлоқ уй-жой фонди</b>											
Сув қувурлари	47,8	49,0	49,2	50,3	50,1	49,6	50,4	48,8	48,4	48,6	50,4
Канализация	9,4	8,4	8,3	8,9	9,2	9,3	9,2	9,3	9,7	10,2	11,6
Иситиш воситалари	25,5	24,7	24,8	25,8	26,0	25,9	26,5	26,2	26,0	29,3	29,8
Табиий газ	71,7	71,5	71,7	72,1	71,7	70,5	62,5	52,5	51,6	51,2	52,4
Иссиқ сув таъминоти	2,8	3,3	3,2	5,5	6,0	6,4	8,6	8,9	9,2	10,2	12,2

<sup>14</sup> Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари. //stat/uz.

Шаҳар ва қишлоқ уй-жой фондларида олиб борилган ободонлаштириш ишларида сув қувурлари 2020 йилда 2010 йилдагига нисбатан мос равишда 104,4 % ва 105,4 % ни, канализация ишлари эса 115,2 % ва 123,4 % га тенг бўлган. Таҳлил қилинаётган йилларда иситиш воситалари ва иссиқ сув таъминоти бўйича ҳам мос равишда 109,0 % ва 116,9 %га ҳамда 122,0 % ва 4,3 марта кўпайган, шаҳар ва қишлоқларни газлаштириш ишларида 96,1 % ва 73,1 %га камайиш кузатилган (4-жадвал).

Тадқиқот ишида Тошкент шаҳридаги уй-жой коммунал хўжалиги соҳасининг фаолияти иқтисодий-статистик таҳлил қилинган. Таҳлил натижаларига кўра, 2020 йил 1 январь ҳолатига Тошкент шаҳрида уй-жойларнинг умумий майдони 56,7 млн.м<sup>2</sup>ни, доимий аҳоли сони 2542,6 минг кишини ташкил этган<sup>15</sup>.

Шаҳарда аҳоли эҳтиёжлари ва коммунал-маиший мақсадлардаги йиллик сув таъминоти 650,5 млн куб.м., жорий йилда киши бошига ҳисобланган ўртача кунлик сув таъминоти 700,9 литрни ташкил этди.

Тошкент шаҳрининг уй-жой фондида кўп қаватли турар жой бинолари сони 2015 йилда 9535 тани ташкил бўлса, 2019 йилда 10394 тага етган ёки 859 тага (9,0 %га) ошган<sup>16</sup> (5-жадвал).

#### 5-жадвал

#### Тошкент шаҳрининг кўп квартирали уй-жой фонди динамикаси<sup>17</sup>

Йиллар	Кўп қаватли уйлар сони	Қурилган кўп қаватли уй-жойлар, жумладан			
		янги қурилган уйлар сони	хонадонлар сони	умумий фойдаланилувчи майдон, м <sup>2</sup>	Яшаш майдони, м <sup>2</sup>
2015	9535	47	1807	179683	67473
2016	9637	102	3652	328190	153112
2017	9747	111	6116	426137	248131
2018	9980	226	11617	856183	499920
2019	10394	442	20511	1477653	791177
$R^*$ <sup>18</sup>	859	395	18704	1297970	723704
$\bar{X}^{**19}$	9858,6	185,6	8740,6	653569,2	351950,6

Бу ўзгаришлардан кўриниб турибдики, шаҳарда аҳолининг уй-жойга эҳтиёжи йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Таҳлилларга кўра, Тошкент шаҳрида 2015 йилда жами қурилган кўп қаватли уйлардаги хонадонлар сони 1807 та, ўртача кўп қаватли уйлардаги хонадонлар сони 38,4 та бўлган. Бу хонадонларда умумий фойдаланиш майдони 179683 м<sup>2</sup> ни, ўртача бир хонадон бўйича 99,4 м<sup>2</sup> ни, умумий яшаш

<sup>15</sup>Тошкент шаҳар статистика бошқармаси маълумотлари.

<sup>16</sup> Тошкент шаҳар ҳокимлиги Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бош бошқармаси маълумотлари.

<sup>17</sup> “Тошкент шаҳар Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати” давлат корхонаси маълумотлари.

<sup>18</sup> R–вариатцион кенглик бўлиб, энг катта ва энг кичик қийматлар орасидаги тафовутни кўрсатади, яъни:

$$R = X_{\max} - X_{\min}$$

<sup>19</sup>  $\bar{X}$ –ўртача кўрсаткич.  $\bar{X} = \frac{x_1 + x_2 + x_3 + \dots + x_n}{n}$

майдони 67473 м<sup>2</sup> ни, бир хонадон бўйича эса ўртача 37,3 м<sup>2</sup> ни ташкил этган. 2019 йилда жами қурилган кўп қаватли уйлардаги хонадонлар сони 20511 та бўлган, ўртача кўп қаватли уйлардаги хонадонлар сони 46,4 тани ташкил этган. Бу хонадонларнинг умумий фойдаланиш майдони 1477653 м<sup>2</sup> ни, ўртача бир хонадон эса 72 м<sup>2</sup> ни ташкил этган. Умумий яшаш майдони 791177 м<sup>2</sup> бўлиб, бир хонадон ҳисобига ўртача 38,5 м<sup>2</sup> га тўғри келган.

Кўп квартирали уй-жой фонди аҳолига уй-жой хизматлари кўрсатувчи уй-жойдан фойдаланиш ташкилотлари фаолиятининг предмети ҳисобланади. Хусусий секторда уй эгаси ўз уйини сақлаш ва таъмирлаш масалаларини мустақил равишда, ўз маблағлари ҳисобидан ҳал қилади. Аҳолининг уй-жойга эҳтиёжи доимий ошиб боришини эътиборга олган ҳолда Тошкент шаҳрида янги кўп қаватли уйларни қуришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.


Тошкент шаҳрида уй-жой фонди 2016 йилда 49,2 млн.м<sup>2</sup> бўлган бўлса, 2020 йил 1 январь ҳолатига эса 56,7 млн.м<sup>2</sup> га (115,2 %) етган. Келгусида шаҳар ҳудудини кенгайтириш (Зангиота, Қибрай туманлари ҳисобига) бош режаси мавжуд. Таҳлилларга кўра, аҳолини уй-жой билан таъминлаш бўйича Тошкент шаҳри юқори ўринда туради.

Диссертациянинг **“Уй-жой коммунал хўжалиги фаолиятини эконометрик моделлаштириш ва прогнозлаштириш”** деб номланган учинчи бобида эконометрик моделлар асосида уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш, коммунал хизматлар учун истеъмолчилар тўловлари тушуми тўлиқлигини таъминлаш статистик тизимини такомиллаштириш, уй-жой коммунал хўжалиги корхоналари фаолияти иқтисодий-статистик таҳлилинини такомиллаштириш ва статистик прогнозларини ишлаб чиқиш масалалари ёритилган.

Диссертацияда кўрсатилган коммунал хизматлар учун тўловларни йиғишни яхшилаш мақсадида бу ишни ташкил этиш тизимини тубдан қайта қуриш таклиф этилди. Корхоналарни бундай ишдан халос этишда махсус ташкилот – коммунал хизматлар бўйича ягона умумшаҳар ҳисоб-китоб маркази (ХМ)ни ташкил этиш илмий тадқиқ этилди (1-расм).

Ҳисоб-китоб маркази (ХМ) ходимлари мажбуриятлари жумласига аҳолининг тўловларни амалга оширмайдиган қисми хонадонларига ташриф буюриш, уларни огоҳлантириш, кўрсатмаларни тақдим этиш, тўланмаганлик муддатлари, тўламаслик сабаблари бўйича қарздорлар ҳисобини юритиш, мониторинг ва пул маблағлари тушуми тўлиқлигини таъминлаш билан боғлиқ ишлар ҳам киради.

Айрим ҳолатларда ХМ ходимлари қариялар, беморлардан тўловлар бўйича маблағларни қвитанцияларни тақдим этиб, кейинчалик маълумотларни компьютерга киритиш орқали бевосита квартираларда (уйларда) олишлари мумкин. ХМ ходимларининг иш ҳақи тўлалигича тўловлар йиғими даражасига боғлиқ бўлади.



**1-расм. Тошкент шаҳрида коммунал хизматлар тўловлари бўйича ягона умумшаҳар ҳисоб-китоб марказининг ташкилий тузилиши<sup>18</sup>**

Тошкент шаҳрида аҳоли бўйича 500 мингдан ортиқ мижоз мавжуд: 400 мингта кўп квартирали уй-жой фондида ва 100 мингта хусусий секторда. Барча аҳолини тўлиқ қамраб олиш учун бир ХМга 2000 та мижоз ҳисоб-китобидан келиб чиқиб, 250 тага яқин ХМ ташкил этиш лозим. ХМ шаҳардаги маъмурий туманлар ва уйлар аҳолисини хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларига тегишлилик тамойили бўйича қамраб олишга кўра жойлаштириш ва хизмат кўрсатиш керак.

Барча ХМ ҳозир фаолият юритаётган ширкатлар офисларида жойлаштирилиши лозим.

Туманлар бўлимлари ҳар куни рақамли иқтисодиёт тамойиллари асосида куйидаги вазифаларни бажаради:

<sup>18</sup>Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

1. Ҳисоб-китоб масканларидан шахсий ҳисоб варақларни йиғиш, коммунал хизматлар бўйича ҳисоблаб ёзиш ва уларни ҲМга топшириш.

2. Кўрсатилмаган хизматлар учун қайта ҳисоблаб чиқишни амалга ошириш, ҲМдан олинган аҳоли муурожаатларига кўра, тўловларнинг ҳисобланишига ўзгартиришлар киритиш.

3. Ҳар куни ҲМдан хизмат турлари бўйича пуллар йиғилиши бўйича ҳисоботлар, касса аппарати табуляграммалари босмалари, компьютер бўйича квитанциялар нусхалари ва инкассаторларга пулларни топшириш далолатномалари нусхаларини қабул қилиш.

4. Хизматлар турлари бўйича пул тушумлари тўғрисидаги йиғма ҳисоботлар тузиш ва уларни жамлаш бошқармасига тақдим этиш.

5. Туманлар ҳисоб-китоб масканлари фаолиятига раҳбарлик ва улардаги иш жараёнини назорат қилиш.

Жамлаш бошқармаси ҳар куни туманлар бўлимларидан пул тушумлари бўйича ҳисоботларни қабул қилади, шаҳар бўйича хизмат турлари бўйича якуний маълумотларни чиқаради ва пулларни кўрсатилган хизматлар учун %ларни ушлаб қолган ҳолда хизматларни кўрсатувчи корхоналарга ўтказди. У туманлар ҳисоб-китоб масканлари фаолиятига раҳбарлик ва назоратни таъминлайди.

Ишлаб чиқариш-техник бўлими коммунал хизматларни кўрсатувчилар билан ўзаро ҳамкорлик қилади, кўрсатилган хизматларнинг узлуксизлиги ва сифатини назорат қилади, хизматлар кўрсатилмаганлик ҳолатларини аниқлайди, хизматларни кўрсатувчилар билан бирга далолатномалар тузади ва маълумотларни кўрсатилмаган хизматлар учун тўловларни қайта ҳисоблаб чиқиш учун туманлар бўлимларига тақдим этади.

Юридик бўлим туманлар бўлимларидан коммунал хизматлар учун тўловлар бўйича материалларни йиғиш ва муддати ўтган қарзлар 100 % қамраб олинган ҳолда судга даъволарни расмийлаштириш билан шуғулланади. Оргтехникага техник хизмат кўрсатиш бўлими дастурий таъминотни, компьютерлар, касса аппаратлари ва бошқа оргтехникага техник хизмат кўрсатишни амалга оширади.

